

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

_____ кун, жиноят ишлари бўйича _____
_____ суди, _____ “Маърифат” МФЙ биносида,
очиқ сайёр суд мажлисида,
раислик қилувчи: _____,
суд мажлиси баённомасини юритувчи, судья ёрдамчиси _____,
тарафлардан _____ прокурори ёрдамчиси _____,
судланувчи _____ ва унинг адвокати _____ нинг иштирокида,
_____ га нисбатан _____-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.
Иш ҳужжатларига кўра:



Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишдаги далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

_____ гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаш жиноятини содир қилган.

Жумладан, 2024 йил 5 март кун соат 00:30 ларда _____ ИИБ ППХ ходимлари томонидан _____ 8-микрорайон ҳудудида “Матиз” русумли давлат рақам белгиси 10 N 222 ТА бўлган автомашина шубҳали кўринганлиги сабабли ИИБ ППХ ходимлари томонидан кўздан кечирилганда _____ автомашина саломида 2.000 сўмлик купюрага ўралган жигар рангли ўткир ҳидли соф оғирлиги 0,46 грамм бўлган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, ундан ушбу модда холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олиб қўйилган.

Суд кимёвий экспертизасининг 2024 йил 15 мартдаги 386-сонли хулосасида _____ дан олинган майдаланган, майда юмшоқ, нам

Ҳужжат имзоланган: Камолов Хайруллоҳон Жураҳон ўғли, 22.06.2024



даражадаги ширали, пресланган мохорка аралашган ҳолдаги модда таркибида фаол гиёҳванд модда-тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган модда гашиш эканлиги, унинг оғирлиги 0,46 граммни ташкил этиши кўрсатилган.

Суд-наркологик экспертизанинг 2024 йил 26 мартдаги 352-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] эпизодик наша наркотик воситасини истеъмол қилиб келиши, бироқ физиологик мойиллик кузатилмаганлиги сабабли мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи [REDACTED] унга нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлигини билдириб, у 2024 йил 1 март куни соат 21:00ларда уйда бўлганида ўзининг телефонидаги “Телеграм” мессенджерда “Тесла” номли ботни рекламасини кўриб, ушбу ботга қизиқиб кирганида мазкур бот орқали гиёҳванд моддалар сотилишини билганини, ботга “Мастерка” гиёҳванд моддасини буюртма қилганини ва тўлов учун ўзига тегишли банк картаси маълумотларини юклаганини, унинг банк карта ҳисобидан 300.000 сўм пул ечилганини, унга келган СМС хабарда “Телеграм” орқали жойлашувини юборишини, шу жойлашувга қараб унга гиёҳванд модда етказиб берилиши тушунтирилганини, электрон жойлашувини “Телеграм” орқали жўнатганини, эртаси куни соат 15:00ларда унга ботдан СМС хабар келганини, унда гиёҳванд модда қаерда беркитилганлиги ҳақида фотосурат юборилганини, расмга қараб уйининг ёнидаги ерга кўмилганлигини билганини, шундан сўнг расмда кўрсатилган ерни озгина қазиб 2.000 сўмлик купюрага ўралган жигар рангли ўткир ҳидли моддани олганини, шундан сўнг “Телеграм” мессенджердаги ёзишмалар ўчиб кетганини, 2.000 сўмлик купюрага ўралган жигар рангли ўткир ҳидли моддани у ўзига тегишли бўлган “Матиз” русумли 10 N 222 ТА давлат рақамли автомашинанинг салон қисмидаги магнитофон тагидаги бўшлиқ жойга қўйганидан сўнг ишлар кўпайиб кетганлиги сабабли у мазкур модда ҳақида эсидан чиқариб қўйганини, 2024 йил мартга ўтар кечаси соат 00:25ларда Чирчиқ шаҳар 8-микрорайон ҳудудида ўзига тегишли бўлган “Матиз” русумли 10 N 222 ТА давлат рақамли автомашинада таниши Хамидов Асадбек билан суҳбатлашиб ўтирганида олдида тунги хизмат фаолиятини олиб бораётган Чирчиқ шаҳри ИИБ ППХ ходимлари келиб, ўзини таништириб, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, гиёҳванд моддаларга қарши профилактик тадбир ўтказилаётганлигини, улар тунги вақтда автомашинада ўтиргани учун шубҳали кўринганлигини тушунтиришганини, ППХ ходимлари унга тегишли бўлган 10 N 222 ТА давлат рақамли “Матиз” русумли автомашинани икки нафар унга нотаниш бўлган холислар иштирокида салон қисмини кўздан кечиришганини, автомашинани кўздан кечириш давомида автомашинанинг салон қисмида жойлашган магнитофоннинг пастки бўшлиқ қисмида 2.000 сўм қоғоз купюрасига ўралган ўзига хос ҳидга эга бўлган, пластилинсимон, тўқ жигарранг рангли, кичик ҳажмдаги модда аниқланганини, ППХ ходимлари дарҳол ИИБ ЖҚБ ходимлари билан



алоқага чиқишганини, 5 дақиқадан сўнг ИИБ ЖҚБ ходимлари келиб, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, ўзини таништириб, 2.000 сўм қоғоз купюрасига ўралган ўзига хос ҳидга эга бўлган пластилинсимон, тўқ жигарранг рангли, кичик ҳажмдаги модда баённомаси расмийлаштириш орқали олиб қўйилганини, шундан сўнг ИИБ ЖҚБ ходимлари у, Хамидов Асадбек ва икки нафар холислардан ҳолат юзасидан тушунтириш хатини олишганини, моддани олиб қўйиш жараёнида ППХ ва ЖҚБ ходимлари томонидан ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилмаганини, қилган ишдан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, унга нисбатан энгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ [REDACTED], 2024 йил 4 март соат тахминан 23:30ларда [REDACTED] 8-микрорайон ҳудудида ишдан уйга кетаётганида, таниши Уткиров Бекзодни ўзига тегишли бўлган давлат рақам белгиси 10 N 222 ТА бўлган “Матиз” русумли автомашинада кетаётганлигини кўриб қолиб, унинг автомашинасида бироз суҳбатлашиб ўтирганини, чунки кўча совуқ бўлганини, соат 00:30ларда уларнинг олдида тунги хизмат фаолиятини олиб бораётган Чирчиқ шаҳар ИИБ ППХ ходимлари келиб, ўзини таништириб, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, гиёҳванд моддаларга қарши профилактик тадбир ўтказилаётганлигини, улар тунги вақтда автомашинада ўтиргани учун шубҳали кўринганлигини тушунтиришганини, ППХ ходимлари автомашинани салон қисмини кўздан кечиришганини, кўздан кечириш давомида автомашинанинг салон қисмида жойлашган магнитофоннинг пастки бўшлиқ қисмида 2.000 сўмлик пул купюрасига ўралган ўзига хос ҳидга эга бўлган, пластилинсимон, тўқ жигарранг рангли, кичик ҳажмдаги модда аниқланганини, сўнг ППХ ходимлари дарҳол ИИБ ЖҚБ ходимларига алоқага чиқишганини, 5 дақиқадан сўнг ИИБ ЖҚБ ходимлари келиб, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, ўзини таништириб, 2.000 сўм қоғоз купюрасига ўралган, ўзига хос ҳидга эга бўлган, пластилинсимон, тўқ жигарранг рангли, кичик ҳажмдаги моддани баённома расмийлаштириб олиб қўйишганини, Б.Уткиров бу моддани автомашинанинг салонига қўйганлигини эсдан чиқариб юборганлигини маълум қилганини, Бекзод мазкур моддани унга биргаликда истеъмол қилишга таклиф қилмаганини, унинг ёнида гиёҳванд модда борлигини билмаганини, шундан сўнг ИИБ ЖҚБ ходимлари у, Б.Уткиров ва икки нафар холислардан ҳолат юзасидан тушунтириш хатини олишганини, аниқланган тўқ жигаррангли моддани олиб қўйиш жараёнида ППХ ва ЖҚБ ходимлари томонидан ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилмаганини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ [REDACTED], у [REDACTED] вилояти ИИББ 1-минтақавий ҳудуд ППХ отряди сафдор ходими бўлиб ишлаб келишини, 2024 йил 4 март куни тонги соат 08:00га қадар тунги хизматга сафдошлари М.Абдуқохаров ва Ш.Фатхуллаев билан жалб қилинганини, кечки йўриқнома ўтказилганидан сўнг улар касбдошлари



билан [REDACTED] 8-микрорайон ҳудудига биргаликда чиқишганини, шу куни соат 00:25ларда 8-микрорайондаги кўп қаватли 53-уйнинг орқасида турган давлат рақам белгиси 10 N 222 ТА бўлган “Матиз” русумли автомашина шубҳа уйғотганлиги сабабли кўздан кечириш учун борганида автомашинада икки нафар шахслар ўтирганини кўрганини, улар ўзларини таништириб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, гиёҳванд моддаларга қарши профилактик тадбир ўтказилаётганини, улар тунги вақтда автомашинада ўтиргани учун шубҳали кўринганини тушунтиришганини, шубҳали кўрингани сабабли у давлат рақам белгиси 10 N 222 ТА бўлган “Матиз” русумли автомашинани икки нафар холислар иштирокида салон қисмини кўздан кечирганини, автомашинани кўздан кечириш давомида автомашинанинг салон қисмида жойлашган магнитофоннинг пастки бўшлиқ қисмида 2.000 сўмлик пул купюрасига ўралган, ўзига хос ҳидли, пластилинсимон, тўқ жигаррангли, кичик ҳажмдаги модда аниқланганини, сўнг у дарҳол ИИБ ЖҚБ ходимларига алоқага чиққанини, 5 дақиқадан сўнг ИИБ ЖҚБ ходимлари келиб, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, ўзини таништириб, тўқ жигарранг рангли, кичик ҳажмдаги моддани экспертиза тадқиқоти учун ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олиб қадоқлашганини, автомашина ҳайдовчиси Уткиров Бекзод автомашина ўзига тегишлилигини, ушбу моддани автомашина салонида жойлашган магнитофон паст бўшлиқ қисмига қўйгани эсидан чиқиб кетганлигини, ёнида ўтирган Хамидов Асадбекка мазкур гиёҳванд моддани истеъмол қилишни таклиф қилмаганлигини маълум қилганини, шундан сўнг Б.Уткиров ва А.Хамидовлардан бўлган ҳолат юзасидан тушунтириш хати олинганини, барча ҳаракатлар қонунда белгиланган тартибда амалга оширилганини билдириб кўрсатув берди.

Судга келмаган гувоҳлар [REDACTED] [REDACTED]нинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари тарафларнинг розилиги билан судда ўқиб эшиттирилди.

Булардан ташқари, суд судланувчи [REDACTED]нинг ушбу ҳукмда кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби унинг эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳнинг кўрсатуvi, ИИБ ходимининг билдиргиси (и.в.3¹), тушунтириш хатлари (и.в.4-7), воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва фото жадвал (и.в.8-10), нарсани ашёвий далил тариқасида текшириш учун олиб қўйиш баённомаси (и.в.12), суд кимёвий экспертиза хулосаси ва фото жадвал (и.в.16), нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақида қарор (и.в.21-22) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, жиноят иши бўйича йиғилган барча далилларга баҳо берар экан, ушбу далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқлайди деб ҳисоблаб, ишга алоқадор деб эътироф этди. Шунингдек, суд ушбу далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган



шартларга мувофиқлиги учун мақбул деб, текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланганлиги учун ишончли далиллар деб ҳисоблади.

Дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED]нинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи [REDACTED]нинг айбига иқрорлиги ва чин қўнгилдан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддаси 1-қисмининг “а” бандига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топди. Суд [REDACTED]нинг қилмишида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 34-бандининг иккинчи хатбошисида “Судлар гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаган, олган, сақлаган шахсларга нисбатан, шунингдек, уларни етиштирган аёлларга, 60 ёшдан ошган эркакларга, вояга етмаганларга ва жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин бўлган бошқа шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш масаласини муҳокама қилишлари шарт” деб тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED]га нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик ва одиллик принципларига таяниб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддаси талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида берилган тушунтиришларига риоя қилиб, унинг жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар билан бирга унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, жиноят предмети ҳисобланган гиёҳвандлик воситасининг тури ва миқдорини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, шунингдек жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган тўхтамга келди ва унга модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга сутканинг соат 22:00 дан 6:00гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқишни



чеклашни, унинг зиммасига яна қўшимча чеклашлар юклашни, жазони ижро этишни Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар органлари Пробация гуруҳи томонидан амалга оширишни, жазо муддатини у ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблашни, унга нисбатан қўлланган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади.

Шунингдек, суд [REDACTED] га агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлигини, озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлигини тушинтиришни лозим топди.

Шунингдек, суд мазкур жиноят иши юзасидан ашёвий далил тариқасида олиниб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ МТТБ махсус гуруҳига сақлаш учун топширилган 0,16 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни ва 0,30 грамм гашиш гиёҳвандлик воситаси экспертиза тадқиқоти вақтида сарфланганлигини эътиборга олишни лозим топди..

Суд, жиноят ишининг [REDACTED] га оид қисми Чирчиқ шаҳар ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими суриштирувчисининг 2024 йил 28 мартдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатилганлигини эътиборга олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

[REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] га сутканинг соат 22:00 дан 6:00гача бўлган вақтида яшаш жойи - [REDACTED]

[REDACTED] дан чиқиш чеклансин.

[REDACTED] нинг зиммасига:

-гиёҳванд моддалар ва алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
-жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

-маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.



Жазони ижро этиш [REDACTED] ички ишлар органлари Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

[REDACTED] га агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушинтирилсин.

Унга нисбатан қўлланган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил - 0,16 грамм гашиш гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида шу суд орқали [REDACTED] судига шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи [REDACTED]

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Суд раиси:

